





3.3. "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг объектларида ўрнатилган иссиқлик энергиясини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади. "Ўзгаришлар" агентлигида аттестациядан ўтказилганидан кейин шартнома асосида "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.4. "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан хизмат кўрсатилган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртacha суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқлик энергияси ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатда тўхташида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўртacha суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатда тўхташида эса - ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сон бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш туғанганда истеъмол қилишни тўхташиб туришга ҳақлиқир, бу ҳолда "Иссиклик таъминоти корхонаси" беркитиш аймақларини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақсирда, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиклик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергиясини, иссиқлик энергиясини ва сув сарфлари метрларини, ҳамда технология йўқотишлар метрларини аниқлаш тартиби туғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва иссиқлик томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қўйилган ҳолларда тармоқ сувидagi иссиқлик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича туланади.

Иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумладан қиради;

"Истеъмолчи"дан кайтарилган даст сифатли (таркибида темир, механик қоринчалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага кайтадиган тармоқ сувини сиқариш.

3.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси" айби билан юз берган тармоқ сувидagi иссиқлик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ туланмайди.

3.8. "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари баланси бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортқича қўшимча ҳақ туланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланси бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса, иссиқлик энергияси микдор электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.10. "Истеъмолчи" ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг  санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳақидаги ҳисоботни "Иссиклик таъминоти корхонаси"га тақдим этади.

"Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақида"ги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, "Иссиклик таъминоти корхонаси" ҳисоб-китобини шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси микдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иссиқлик энергиясини ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоб-китобларнинг

кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатиш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборлари нинг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Иссиклик таъминоти корхонаси" истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобини ўрнатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади. Ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб "Истеъмолчи"га топширади.

Шу билан бир вақтда "Иссиклик таъминоти корхонаси" ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан аккредитсиз равишда ечиб олиши учун ҳисобот ойнага ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

Истеъмолчи ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий микдорнинг  фоз (проценти кўрсатилади)

микдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади. 3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергиясини сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақсирда "Истеъмолчи" бир ҳафта муддатда бу ҳақда "Иссиклик таъминоти корхонаси"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини тешириш туғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи" ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловини белгиланган муддатда тўлашдан овоз қилмайди.

3.12. Узатишган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" Иссиқлик таъминоти корхонаси"га 1  сум тарифи бўйича тўлайди.

3.13. Тўлик етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг микдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти "Иссиклик таъминоти корхонаси" диспетчерлик хизматининг оператив дефтаридagi ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда иссиқлик томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технология эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган сўтқанда олдинга 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртacha суткалик истеъмолли билан иссиқлик энергияси тўлик етказиб берилмаган сўтқанда амалдаги истеъмол ўртасидаги айрма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги таъсирланган тақсирда "Иссиклик таъминоти корхонаси" охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилинишига мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навобатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40° - 45°С ҳароратдаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фозли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақсирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги таъсирланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойнадан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюртмасига кўра "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан ўз имкониятларида келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:  
а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режими н назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий микдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик;  
иссиқ сув етказиб бериш бўйича.

иссиқлик берувчи куурда сув харорати бўйича - 3 фоздан ортқ (+);  
иссиқлик берувчи куурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортқ (+) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртacha суткалик микдор сифатида олинади.

в) "Иссиклик энергиясидан фойдаланиш" қондаларига талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистемолчиларни улаш;  
г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш Ушбу ҳолда "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдидан жавоб беради.

4.2. "Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:  
а) "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида" ги ў.б.Респ. қонунарига, "Иссиқлик фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қондалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш қондалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондалари"га ҳамда "Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш қондалари"га қатъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш;

в) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соятлик юкломаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимида риоя қилиш ва тармоқ сувининг олинши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимида нисбатан "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг тезкор курсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қурулурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" билан келиши;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувини тўқатиш учун журамаслар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"ни нинг вақили билан бириктиришда шартнома, ўрнатилган шартнома вақтинча қилиниши таъминлаш Пломбаларини олиш "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг руҳсати билан амалга оширилуши лозим;

и) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг вақилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сўтқанидан истаган вақтида тўқатишдан қўздан кечирини таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан ноқиллона ва ирофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймаслик;  
л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилишига, материаллар тақдирлишига, дерахтлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

м) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларини қайта жиҳозлашга йўл қўймаслик;

н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркийтиш ва бошқариш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл қўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа максалларда фойдаланишига (иситиш тизимлари ва приборлардан сув оксидлишига) йўл қўймаслик;

п) "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдидан келишилган ҳолда амалга оширилмаган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг вақилларини ўз ҳудудига қиритиши лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг икоро чизмалари ва паспортларида ҳамда эксплуатация қилиш йўриқномаларига эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик қўрган ходимлар томонидан хизмат қўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

4.3. "Иссиқлик таъминоти қорхонасининг" ҳуқуқлари.  
4.3.1. "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" қуйидаги ҳолларда "Истеъмолчи"ни оғоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўқатиш ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга.

а) иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатига белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдидан тўлов амалга оширилмаганда;

б) субистемолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчилик билан уланганда;

в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари "Ўздавэнергосазорат" ДИ руҳсатсиз ишга тушурилганда;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари қисобга олиш приборларидан олдидан уланганда;

д) иссиқлик юкломаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув срифтини миқдори "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг розилигисиз оширилганда;

е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соятда олинмаган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифросланганда;

з) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" вақиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини қўришга қўйилмаганда.

4.3.2. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги "Истеъмолчи"ларни улашда захара таъминлаш мабжууд бўлмаса "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" "Истеъмолчи"ни узиб қўйиш ҳуқуқига эгалар.

"Истеъмолчи"ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида оғоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (қунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдидан амалга оширилади. Агар оғоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда "Истеъмолчи" иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиш олмаса "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" ушбу вақтни мустақил равишда белгилас ҳуқуқига эга.

Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони брйича, бу ҳақда узиб қўйишдан қамийда 24 соат олдидан "Истеъмолчи"ни оғоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

4.3.3. Авариянинг олдидан олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш учун "Иссиқлик таъминоти қорхонаси", узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, "Истеъмолчи"га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

4.4. "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" қуйидагиларга мажбуур.  
а) шартномага мувофиқ "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуқсиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) "Истеъмолчи"да "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг объектда ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари қўрсаткичларининг тўғриллиги бўйича шубҳа туғилмаган бўлса, "Иссиқлик таъминоти қорхонаси", белгиланган тартибда, сўтқаниннг истаган вақтида "Истеъмолчи" вақилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини қўздан кечирини таъминлаши лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг баланси бўйича мансублик четараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиқлик берувчи қурулурда сув ҳарорати бўйича 3 фоздан орттик (+);  
сув босими бўйича

иссиқлик берувчи қурулурда - 20 кПа дан орттик (+) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртана сўтқанилик миқдори сифатида ҳисобга олинади;

г) "Иссиқлик таъминоти қорхонаси"нинг айби билан тўқик етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоллаш Тўқик етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеъмолчи"нинг вақили иштирокида "Иссиқлик таъминоти қорхонаси" томонидан аниқланади ва даълолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиқлик энергияси тўқик етказиб берилмаганлиги, иссиқлик эптувчи параметрларини шартномадаги қийматларига нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда қўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобида мувофиқ "Истеъмолчи"нинг иссиқлик боғтамлари учун торайтирувчи қурилмаларнинг ўлчамли (размер) сўтқанишига (устройства) белгиланган берилади.

**V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЕКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Иссиклик энергияси билан таъминлашда "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Иссиклик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилмаган моддий зарарни қоплайди.

5.2. Иссик сув хойлидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиклик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг асосий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергияси баҳоқсининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплатилган оқдот эмтаъиди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергиясининг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳужжат шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Иссиклик таъминоти корхонаси"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергияси қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга ҳақлиқдир.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичيدا тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиклик таъминоти корхонаси"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, амамо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли кўришилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилиш иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.6. Иссиклик истеъмолчи объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг балане бўйича мансублиги бўлиниши ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (1 илова).

5.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси" иситиш тизими ёқилганида сув айланishi ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, ҳиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўбшмимчилик билан уланиши ҳудудлардан фойдаланиш қондаларини бошқана тарҳда бўзиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ҳудуд билан ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадда уларга ташқаридан аралашини Ўзбекистон Республикаси Мамкурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан мамкурий ҳақо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда солир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

**VI. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув хойлидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки қамайтиришга ҳақлиқдирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар.

а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ускуналарининг ишдан чиқшига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдироқ, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнгиш, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган хароратдан 3-5га ва ундан ортиқ

паст бўлган хароратда ҳавонинг узок вақт совиб кетиши, бошлангич сув сифатининг ёмонланishi ҳолатларида;

б) энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятлариға боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургоқчилик ва бошқалар) сабабин юзга келган шартноларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларини бажариш имкони бермайдиган фавкулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутқилмаган ҳолатларда.

6.2. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки оқамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишимасдан ва уни оқошлатиримасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларининг бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

**VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ, МУДДАТНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 05.01.2022 йилдан, 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Амал қилиш муддати тугашидан олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартриш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси "Иссиқлик таъминоти корхонаси"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи"да сақланади.

**VIII. НИЗОЛАРНИНГ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Келишуга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий ва Фуқаролик сули томонидан ҳал қилинади.

**IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР**

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмаслик қисми бўлиб ҳисобланади.

а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг баланега мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова).

б) "Истеъмолчи"нинг ваколатланган маъсул шахсини таъинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова).

в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юктамалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова).

г) "Истеъмолчи" ташқи иссиқлик таъминотининг принцинал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг харорат жалвали.

\* ИЗОХ: Бюджет тақдирлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат боши қўйишга тахрирда баён этилсин: "Мазкур Шартнома 2022 йилининг 31 декабрсгача амал қилади."



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Mirobod tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "TOSHISSIQQUVATI" DUK issiq suv holidayi elektr energiyasidan foydalanish to'g'risidagi shartnoma loyihasi (№1016).

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Loyiha Mirobod tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 yanvar kuni yuridik xizmat markaziga taqdim etilgan.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirobod tuman yuridik  
xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**Sh.Abdusattorov**

**24.01.2022 yil**